



ИХТИРОГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек угли

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

vaxobjonovdilmurod87@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18952600>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 07-mart 2026 yil

Ma'qullandi: 09-mart 2026 yil

Nashr qilindi: 11-mart 2026 yil

KEYWORDS

ихтиро, патент ҳуқуқи,
интеллектуал мулк,
ҳуқуқбузарлик, фуқаролик-
ҳуқуқий жавобгарлик,
маъмурий жавобгарлик,
саноат мулки, ҳуқуқий
муҳофаза.

ABSTRACT

Мақолада ихтирога нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолари таҳлил қилинган. Хусусан, патент ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик механизмлари ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни қоплаш, ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотларни муомаладан чиқариш ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш масалалари таҳлил қилинган. Мақолада амалдаги қонунчилик нормалари ва илмий қарашлар асосида саноат мулки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган. Тадқиқот натижасида патент ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик институтини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари тизимида ихтироларга нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ихтиролар илмий-техник тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлиб, уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси инновацион фаолиятни рағбатлантириш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш ҳамда рақобатбардош технологияларни яратишга хизмат қилади. Шу сабабли ихтирочилар ва патент эгаларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш давлатнинг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ихтирога нисбатан ҳуқуқларни бузиш ҳолатлари кўпинча патент эгасининг рухсатисиз ихтирони ишлаб чиқариш, қўллаш, сотиш, импорт қилиш ёки бошқа тарзда фойдаланиш орқали намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини чеклайди ҳамда унинг иқтисодий манфаатларига зарар етказиши мумкин. Шу боис қонунчиликда ихтирога нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун фуқаролик-

ҳуқуқий, маъмурий ва айрим ҳолларда жиноий жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек фуқаролик қонунчилиги нормалари ихтирога нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва улар бузилган тақдирда ҳуқуқ эгасининг манфаатларини тиклаш механизмларини белгилайди. Бунда ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, етказилган зарарни қоплаш, ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотларни муомаладан чиқариш ва бошқа ҳуқуқий чоралар қўлланилиши мумкин.

Шу билан бирга, замонавий иқтисодий муносабатлар, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва инновацион фаолиятнинг кенгайиши ихтирога нисбатан ҳуқуқларни бузишнинг янги шакллари ҳам келтириб чиқармоқда. Бу эса мазкур соҳадаги ҳуқуқий жавобгарлик механизмларини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишида асосий эътибор шартномавий жавобгарлик ҳамда шартномадан ташқари жавобгарликка қаратилади¹. Ҳар бир шартномавий муносабат, шартномадан ташқари мажбуриятлар, хусусан деликт ва кондикцион мажбурият ўзига хосликка эга.

Патентга нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва суд тартибида амалга оширилади. Маъмурий тартибда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази Апелляция кенгашига мурожаат қилиш орқали таъминланади. Бундай мурожаатлар патент бериш ҳақидаги қарор, патент беришни рад этиш ёки талабномани қайтариб олиш каби ҳолатлар юзасидан берилиши мумкин. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Апелляция кенгаши талабномада кўрсатилган саноат мулки объектлари бўйича қабул қилинган қарорлар устидан берилган шикоятларни, шунингдек патент берилганлиги ёки патентнинг ҳақиқийлигига қарши манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар томонидан киритилган апелляцияларни кўриб чиқади. Шу билан бирга, саноат мулки объектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилишда суд тартиби ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, судлар ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва иштирок этувчи субъектнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда низоларни ҳал қилади. Хусусан, жисмоний шахслар иштирокидаги низолар фуқаролик ишлари бўйича судларда, юридик шахслар иштирокидаги низолар эса иқтисодий судларда кўриб чиқилади. Саноат мулки объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш ҳолатлари эса қонунчиликка мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораларини қўллашга асос бўлиши мумкин.

Хусусий жавобгарлик қоидаларини қўллаш имкониятини четлаб ўтган ҳолда, Германия ва Европа регуляторлари, мулк ҳуқуқи қоидаларига эга патент тизимини афзал кўришади². Жавобгарлик чоралари ҳеч қачон ўз ўзидан автоматик равишда қўлланилмайди. Муҳим аҳамиятга эга масала сифатида ҳеч бўлмаганда жорий амалиётда, асосан, мажбурий жавобгарлик қоидалари сифатида қўлланилмайди.

¹ Егорова М. А. Некоторые особенности реализации прав на изменение и расторжение договора в российском праве // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2019. № 4 (56). С. 236–242.

² Daniel Krauspenhaar. Liability Rules in Patent Law A Legal and Economic Analysis. Volume 1. 2013. Munich, Germany. 33-б.

Айрим мутахассислар патент ҳуқуқини бузганлик учун контрафакт товарни мусодара қилиш ва йўқ қилиб ташлаш чораси қўлланилиши мумкин³ деб ҳисоблашади. Қонун чиқарувчи эса, ФК умумий нормаларида мусодарани юқоридаги ҳолатлардагина нормалаш билан чекланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида бу борада бирон-бир қоида кўрсатиб ўтилмаган.

Айрим мутахассислар патент ҳуқуқи соҳасида маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш зарурлигини таъкидлайдилар⁴. Бироқ бу масалада асосий эътибор фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик механизмларининг самарадорлигига қаратилиши лозим, яъни ҳуқуқбузарлик натижасида ҳуқуқ эгасининг манфаатлари қай даражада тикланиши, унинг ижодий фаолияти ва мулкӣ ҳолатига етказилган зарарни қоплаш имконияти таъминланиши муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, ихтиро ҳуқуқи объектларини бузганлик учун мутлақо янги жавобгарлик турини жорий этишдан кўра, мавжуд жиноий, маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмларини самарали қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иқтисодиётга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш орқали таъсир кўрсатиш қулай инновацион-инвестицион муҳитни таъминлаш тизимини шакллантириш ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини, айниқса саноат ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга⁵.

Интеллектуал мулк объектларига, жумладан саноат мулкига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарлик масаласи ижтимоий-ҳуқуқий воқеликнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиши лозим. Бундай жавобгарлик тадбиркорлик фаолияти, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг реал секторида ҳуқуқий маданият ва бошқарув самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Чунки бизнес фаолияти жамият манфаатларига хизмат қилиши, инновация ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириши лозим⁶.

Ф.Шодмонов фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг юзага келишини шартнома мажбуриятларининг бузилиши, зарарнинг мавжудлиги, сабабий боғланиш ва айб каби омиллар билан боғлайди⁷. Ж.И.Юлдашев эса “жавобгарлик” тушунчасини “мажбурият” билан тенглаштириш тўғри эмаслигини таъкидлаб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўшимча ҳуқуқий оқибат сифатида намоён бўлишини, яъни айбдор шахсни асосий мажбуриятни бажаришдан озод қилмаслигини қайд этади⁸. Н.Эгамбердиева фикрича,

³ Yeh B. T. Intellectual Property Rights Violations: Federal Civil Remedies and Criminal Penalties Related to Copyrights, Trademarks, Patents, and Trade Secrets. May 27, 2016. URL: <https://copyrightalliance.org/wp-content/uploads/2016/09/RL34109.pdf>

⁴ Кулаков Н.А. Савельева М.В., Соотношение административно-правовых и гражданско-правовых средств защиты патентных прав. //Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России № 4 (84) 2019. 76-82-б.

⁵ Кожевина О. В., Кожевин В. И. Вопросы регулирования и социально-правовой ответственности бизнеса // Бизнес в законе. 2007. № 4. С. 184.

⁶ Артюхина И. Е. Правовая характеристика мер ответственности, применяемых к патентному поверенному за допущенные им нарушения // Современное право. 2010. № 2. С. 67.

⁷ Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 70-71.

⁸ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 125-126.

фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, аввало, тарафлардан бирининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги натижасида юзага келади. Шу билан бирга, мажбуриятни бузиш ва зарар етказиш ҳолатлари ҳуқуқий табиатига кўра фарқ қилади, бироқ ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқи бузилиши натижасида муайян ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқаради⁹.

Саноат мулки объектини учинчи шахсдан харид қилиш уни сотувчи шахснинг айби йўқлигини автоматик тарзда исботламайди. Агар ташкилот ходими ўз хизмат ваколатларидан ташқари ҳаракат қилиб, бошқа шахснинг саноат мулки ҳуқуқини бузса, бундай ҳолатда ташкилотга нисбатан қўзғатилган даъво рад этилиши мумкин, чунки меҳнат вазифаларидан ташқари содир этилган ҳаракатлар учун ташкилотни жавобгар деб топиш ҳар доим ҳам асосли бўлмайди. Шу боис саноат мулки ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда “айб мавжудлиги презумпцияси”ни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу қоида Фуқаролик кодексининг зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи нормаларида ҳам акс этган. Хусусан, ФКнинг 985-моддасига кўра, зарар етказган шахс ўз айби йўқлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Шу билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг турли асослари мавжуд бўлиб, ФКнинг 333-моддасида мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ жавобгарлик назарда тутилса, 985-модда деликт — яъни зарар етказиш ҳолатига асосланган жавобгарликни белгилайди. Кодекс нормаларини таҳлил қилиш жавобгарликка оид қоидалар бир жойда жамланмаганини, балки турли моддаларда фрагментар тарзда ифода этилганини кўрсатади, бу эса саноат мулки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиётида муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш эса ФКнинг 11-моддасида назарда тутилган умумий усуллар орқали, шунингдек 1040-моддага мувофиқ ҳуқуқбузарликда фойдаланилган моддий объектларни олиб қўйиш, ҳуқуқ бузилганлиги ҳақидаги маълумотни мажбурий тарзда эълон қилиш ёки қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин.

ФК 1040-моддаси гарчи ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари бийитсада, бу борада жавобгарлик ҳажмини белгилаб бермаган. Фикримизча, нафақат саноат мулки объектларига нисбатан балки мутлақ ҳуқуқларни бузилиши ҳолатлари рўй берганда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари ва жавобгарлик чораларини қўллаш билан бир қаторда ўз хоҳишига кўра, ҳуқуқбузардан етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлилиги белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган махсус мулк санкциялар тўғрисидаги аниқ норма на Фуқаролик кодексида, на “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунда батафсил мустаҳкамланмаган. Агар қонун чиқарувчи томонидан бундай чоралар аниқ белгиланганида, ҳуқуқбузарга нисбатан мулк санкциялар қўллаш механизми ва жавобгарликнинг самарадорлиги янада ошган бўлар эди. Шу билан бирга, саноат мулки ҳуқуқлари бузилиши натижасида тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласидан чиқариш масаласида бу ҳолат деликт ёки кондикциявий мажбурият сифатида баҳоланишини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

⁹ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари: юрид. фан. номз. ... дисс. — Тошкент: ТДЮИ, 2006. 15-б.

Сўнгги йилларда саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида муҳим янгиликлар жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 16 январда қабул қилинган ЎРҚ–896-сонли Қонуни билан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунга¹⁰ VI¹-боб киритилиб, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан маъмурий жарима қўллашнинг аниқ ҳуқуқий асослари ва тартиби белгиланди. Хусусан, мазкур қонуннинг 33¹-моддасига мувофиқ, патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотиш ёки муомалага киритиш каби ҳаракатлар учун юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 200 бараваригача жарима солиниши назарда тутилди. Шу билан бирга, патент эгасининг мурожаати асосида адлия органлари томонидан текширув ўтказиш, ҳуқуқбузарликни далолатнома билан расмийлаштириш, жарима солиш, уни ихтиёрий тўлаш ёки суд тартибида ундириш тартиби (33¹–33⁴-моддалар) ҳам белгиланди.

Агар саноат мулк ҳуқуқи бузилган ҳолда олинган натижа фуқаролик муомиласига киритилиши юз берса, у ҳолда зарар етказганлик учун жавобгарлик юзага келадими ёки кондикциявий мажбурият пайдо бўладими? деган ўринли савол туғилади. Бу борада В.А.Бобрышевнинг фикрича, истисно ҳуқуқлар бузилиши йўли билан тайёрланган товарлар, мол-мулк муомаладан олиниши зарур¹¹.

Фикримизча, интеллектуал мулк ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш Фуқаролик кодексининг 11-моддасига мувофиқ ҳар бир шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш орқали амалга оширилади. Бунда суд саноат мулки ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш бўйича тезкор чоралар кўриш, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ товарларни импорт ёки экспорт қилишни тўхтатиш, ноқонуний ишлаб чиқарилган товарларни муомаладан чиқариш ва йўқ қилиш, ҳуқуқбузарликда фойдаланилган материал ва ускуналарни олиб қўйиш, етказилган зарарни қоплаш ёки бир марталик товон ундириш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ва суд қарори тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш каби чораларни қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ихтирога нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик институти интеллектуал мулкни самарали муҳофаза қилиш тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Мазкур соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ишончли таъминлаш фақат жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланмай, балки патентлаш жараёнининг ҳуқуқий аниқлиги ва халқаро стандартларга мувофиқ тартибга солиниши билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасини такомиллаштириш, хусусан Париж конвенцияси асосида конвенция устуворлигини амалга ошириш тартибини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ўзгартиш патентлаш жараёнидаги

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., 03/24/896/0037-сон;

¹¹ Бобрышев В. А. Ответственность за нарушения прав хозяйствующих субъектов на результаты интеллектуальной деятельности // Законы России. 2008. № 1. С. 50, 52.

хуқуқий ноаниқликларни бартараф этиш, талабнома берувчиларнинг хуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда саноат мулки объектларини хуқуқий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади

